ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00873

ВАТАНПАРВАРЛИК - МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ УСТУНИ

Ихтиёр Мизробович Саидов
Фарғона давлат университети
saidov.ixtiyor@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги кунда миллий қадриятларимизни ёш авлод онгига чуқур сингдириш ва шу орқали ёшларимизда келажакка ишонч туйғуларини қарор топтириш ва ўтмиш меъросимиз унинг ўрни каби масалалар тахлил этилган.

Калит сўзлар: миллий қадриятлар, ёшлар, келажак, ишонч, миллий ғурур, ватанпарварлик**,** маънавий-ахлоқий, жисмоний баркамол, тарбия, уларга таълим-тарбия.

PATRIOTISM IS A STRONG PILLAR OF OUR NATIONAL VALUES

ABSTRACT

The article analyzes issues such as inculcating our national values in the minds of the younger generation today and thereby instilling in our youth a sense of confidence in the future and the role of our past heritage.

Keywords: national values, Youth, future, confidence, national pride, patriotism, spiritual and moral, physical perfection, upbringing, education.

КИРИШ

Бугунги кунда миллий қадриятларимизни ёш авлод онгига чуқур сингдириш ва шу орқали ёшларимизда келажакка ишонч туйғуларини қарор топтириш муҳим масаладир. Юртимиз тупроғи, ҳеч шубхасиз, ўлмас қадриятлар бешиги саналади. Ватанпарварлик фазилати миллий қадриятлар негизидаги энг муҳим жиҳатлардан бири саналади.

Ватанпарварлик деб жар солиш билан инсон фидойи бўлиб қолмайди. Бугун ҳар бир жамият аъзоси ватанни қалби билан ҳис этиб, бир тан бир жон бўлиб юртимизда кечаётган ислоҳотлар иштирокчиси бўла олсагина кўзланган марраларга етишиш имконияти янада ортади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00873

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жамиятимизда миллий истиқлол маънавиятини тиклаш ва ривожлантириш, миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, миллий ўзликни англаш, Ватанга содиқлик туйғуларини шакллантириш муаммоларининг ечимини топиш масалалари республикамиз олимлари: Қ.Назаров, Н. Жўраев, Н.Комилов, М. Абдуллаев, М.Маҳмудов, М.Шарифхўжаев, Ж.Раматов, А.Иброҳимов каби олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган бўлса, миллий маънавиятимизга хос бўлган ҳис-туйғуларни, ғурурни, ватанпарварликни ёш авлодда шакллантириш муаммоларининг психологик ва педагогик жиҳатларини Э.Ғозиев, В.Каримова, М. Қуронов, С. Носирхўжаев, М. Зарипов, О. Мусурмонова, Ш.Абдуллаева, Ш. Қурбонов, Э. Сейтхалилов, Қ. Қурбонбоев, Н. Ортиқовлар тадқиқ этишган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёев, “Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”[3], - дея тарбия масаласига муносабат билдириб ўтдилар.

Шахс қандай жамиятда яшаса ўша жамият ҳаётидаги қонун-қоидаларга асосан камол топади. Бугунги глобаллашув жараёнида нафақат халқимиз, шу билан бирга ўсиб келаётган ёш авлод онгида миллий ғурур, миллий ифтихор, юрт шаъни ва қадр-қимматини асраб-авайлаш ҳар биримиз учун олий қадрият эканлигини сингдириш муҳим вазифа бўлиб бормоқда» [7].

Юртимизда Ислом қадрияти халқимиз онгу шуурига чуқур сингиб кетганлиги сир эмас. М. Бекмуродов фикрича, “...диний эътиқоднинг меҳнат билан уйғунлашуви. Илм-фан орқали дунё сир-синоатларини билиш ҳаракати Оллоҳнинг нечоғли буюклиги ва қудратини англаш билан боғланади” [10. -Б. 7] деб ёзади. Меҳнатни қадрлаган инсонда иймон, эътиқод, виждон ва албатта, ватанпарварлик каби туйғулар устунлигини кўришимиз мумкин.

Қадрият тушунчасига маънавий жиҳатдан, “қадрият инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча” [8. –Б. 707] – деб баҳо берилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00873

Фалсафа қомусий луғатида эса, “Қадрият воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланади”[9. –Б. 476] – дейилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев, “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”[1.-Б. 505] - дея таъкидлагани ҳолда юртимизда тарбия жараёнини етакчи қадрият эканлигига ишора қилиб ўтдилар.

2018 йил 14 августда Президентимизнинг ПҚ-3907 сонли “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида[2] мафкуравий иммунитет, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, таълимдан ташқари тарбиявий ишлардаги сусткашликлар каби камчиликларни бартараф этиш чоралари белгилаб берилган.

Умуман олганда, сўнгги икки йил ичида таълим тарбия тизимини тубдан ўзгартириш бўйича Президентимизнинг ўнлаб қарорлари, вазирлик ва юқори ташкилот органларининг кўплаб фармойишлари ижро учун тақдим этилмоқда. Мақсад битта. Яъни, бугун ўсиб келаётган авлод онгида миллий ва умуминсоний қадриятлар чуқур сингдириш, ватан ва юрт учун фидойилик руҳиятини шакллантириш, маънавий ва маданий оламини соғломлаштириш ишларида сусткашликка йўл қўйилса, олдимиз қўйган эзгу мақсадларга эришиш шунча қийинлашиб бораверади.

Президентимиз, “Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саҳоватли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди”[4]. - дея таъкидлаб ўтди. Яна Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида: «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда»[7], деб қайд

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00873

этади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтириш нақадар мушкул вазифадир.

Бугунги кунда кўпчилик олимлар биз яшаётган XXI асрни – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср, замонавий ва илғор технологияларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларини шиддатли ўсиб бораётган давр деб баҳоламоқда.[5]

Биз япон муъжизаси, корейс табиати каби иқтисодий ўсиш намуналарини ўрганар эканмиз, аввало уларда миллат тафаккурини тубдан тараққий эттиришга асосий урғу берилганига гувоҳ бўламиз. Юртимизда белгиланган муаммоларни бартараф этиш бўйича стратегик ечимлар босқичма-босқич ишлаб чиқаришга жорий этилиши бошлаб юборилди. Асосийси, аҳоли онгида миллий тафаккурни ўзгартириш, қолаверса, ўсиб келаётган авлод онгида миллий маданият ва қадриятларга ҳурмат кўникмасини чуқур сингдириб бориш зарурати даврлар ўтиб янада ошиб бораверади. Зеро, ҳар томонлама соғлом фикрли халқ билангина юқорида белгиланган буюк вазифаларни амалга ошириш мумкин.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи ҳамда мустақиллигининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий замин ва қадриятларини мустаҳкамлаш учун ёш авлодга дунё стандартлари даражасида билим бериш ҳамда миллий руҳда тарбиялаш ҳар доим жамиятнинг энг долзарб муаммоларидан бўлиб келган. Мазкур вазифаларни ўз ўрнида, тўла-тўкис амалга оширилмаган тақдирда ижтимоий тараққиёт ҳам таъминланмайди. Чунки жамият манфаати йўлида ўзидаги барча билим, қобилият ва истеъдодини бахшида этадиган ўз касби ва юртига фидойи, юксак билим ва кўникмага эга, мустаҳкам ҳаётий позицияси шаклланган, тадбирли ва ишбилармон етук кадрларгина Ўзбекистонни дунёдаги ҳар томонлама илғор давлатлар сафига чиқиб боришини таъминлаб беради.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017, -Б. 505.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00873

сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ – 3907 сонли Қарори. 2018 йил, 14 август.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш” масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи, 2021 йил 19 январь.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. - Тошкент.: 2017 йил, 22 декабрь.
5. Djumaniyoz Sultonovich Ramatov, //Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views // ACADEMICIA:T10.№11.S-1974-1980.
6. Умарова Р. Ўрта аср мусулмон халқлари фалсафасида натурфалсафий ғояларнинг илгари сурилиши ва асосланиши// Фалсафа ва Ҳаёт.2020.№8.-Б.108-120
7. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. Халқ сўзи, 2017 йил 1 июль.
8. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Тошкент: 2010, 707-б.
9. Фалсафа қомусий луғат (Тузувчи: Назаров Қ.). Тошкент: 2004, 476-б.
10. Бекмуродов М. Бунёдкор шахс маънавияти ва меҳнат тарбияси. –Т.: “Маънавият”, 7-б.